

10-1-2019

Chances For Using The Translation Method In Mastering The Terms

Feruz Abdullaeva PhD
Uzbekistan State World Languages University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Abdullaeva, Feruza PhD (2019) "Chances For Using The Translation Method In Mastering The Terms," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss3/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Феруза Абдуллаева

ЎзДЖТУ, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори

ТЕРМИНЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ТАРЖИМА УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақола туризм терминологиясининг тил-шуносликда тутган ўрни ва умумий таснифлаш масаласи, инглиз тилидаги туризмга оид терминларни ўзбек ва рус тилларида ифодалаш ва таржима қилишдаги ўзига хосликлар, шунингдек, терминларни ушбу касбий соҳа талабларига мувофиқ таржима қилишда энг мақбул усулларини танлашга бағишланган. Инглиз тили туризм терминологияси ўзининг серқирралиги, кўп функционаллиги билан ажралиб туради. Туризмга оид терминлар умумдабий тил лексик қатлами таъсирида шаклланиб, ўзига хос функционал вазифани ўтайди. Туризмга оид терминларнинг аффиксация усули (префиксация, суффиксация, циркумфиксация) орқали ҳосил бўлиб, бойиб боради.

Инглиз тили туризм терминологияси лингвистик нуқтаи назардан тил лексикасининг бир қисмини ташкил қилиб, мазмуний ва структур хусусиятлари билан ажралиб туради. Туризм соҳасига оид матнлар ўз таркибига сайёҳликка оид тушунчаларни олади. Улар асосан реклама шаклида бўлишини, шунингдек, маълум бир ҳудуд ёки жой ҳақидаги маълумотларни ёритади, ахборий прецедентларни яратади ва ижтимоий маданий борликда намоён бўлишини таъминлайди. Туризм соҳасига оид терминларини таржима қилиш муаммоларини ўрганишнинг долзарблиги, асосан, халқаро алоқаларнинг ривожланиши, маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, ушбу соҳада алоқанинг ошиб бориши билан боғлиқлиги тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: термин; термин таржимаси; махсус сўзларни таржима қилиш; терминларни таржима қилиш усуллари..

Feruza Abdullaeva

PhD, UzSWLU

CHANCES FOR USING THE TRANSLATION METHOD IN MASTERING THE TERMS

ABSTRACT

The article is devoted to the role of Tourism terminology in linguistics and the issue of general classification, peculiarities in the expression and translation of terms related to tourism in English into Uzbek and Russian, as well as the choice of the most optimal methods for translating terms in accordance with the requirements of this professional sphere. The terminology of the English language tourism is distinguished by its brightness, versatility. Tourism terms are formed under the influence of a generalized lexical layer of language and perform a specific functional function. Tourism terms are formed through the affixation method (prefixation, suffixation, circumfixation) and get rich through the process.

The terminology of English Tourism is distinguished by its content and structural features, forming part of the language lexical from the linguistic point of view. Texts in the field of Tourism take into their composition concepts of Tourism and interpret them in their content. They will be mainly in the form of advertising, as well as enlighten information about a particular region or place, create informational precedents and ensure their manifestation in the social cultural presence. The relevance of the study of the problems of translation of terms in the field of tourism has been investigated, mainly due to the development of international relations, expansion of cooperation between local and foreign companies, as well as the increase in communication in this area.

Key words: terminology; terminology translation; special word translation; methods of translation of terms..

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда асосий эътибор иқтисодий тараққиётни ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этувчи туризм соҳасини ривожлантириш, юртимизнинг ҳали тўла ишга солинмаган сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилмоқда. “Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустакамлашга хизмат қилган”[1]. Туризм иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан бири бўлганлиги боис, унга эътиборни кучайтириш, саёҳатни ташкил этиш, мавжуд туристик потенциални кўрсата билиш зарур саналади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2-декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш, айниқса, ички сайёҳлик хизматини ривожлантириш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Дунё миқёсида ривожланаётган соҳалардан ҳисобланган халқаро сайёҳлик, ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларига, жумладан, тилга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Туризмни ривожлантириш соҳада профессионал мулоқотни оширишга юксак имкон яратди.

Туристик бозор иштирокчилари мураккаб вазиятларда ҳам фаолият юритаётиб кимга, қандай хизмат кўрсатиш лозимлигини аниқ билиши шарт. Маркетинг нуқтаи назаридан, ҳар бир бозор бир-биридан таъби, истаклари, эҳтиёжлари билан фарқ қиладиган ва туристик хизматларнинг турли мотивларидан келиб чиқиб фаолият юритадиган истеъмолчилардан иборат. Шу сабабли муваффақиятли маркетинг фаолиятининг амалга оширилиши истеъмолчиларнинг турли гуруҳларининг ўзига хос афзалликларини ҳисобга олишни кўзда тутати. Айнан шу бозорда профессионал мулоқотни ташкил этиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Туризм оммага нотаниш бўлган жойни сайёҳлик жойига айлантириш учун фойдаланади. Шу сабабли тил – туризм соҳасидаги энг кучли омил ҳисобланади. Туристик соҳадаги мулоқот жараёнининг умумий иштирокчилари сайёҳлик соҳаси мутахассислари, сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли ҳисобланиб келган[2, 25].

Дунёда туризм йўналишида рўй бераётган жараёнларнинг глобаллашуви ва интеграцияси мамлакатимизнинг туризм соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга туртки бўлди. Бу ўз навбатида, туризм соҳасининг тараққий этиши, мазкур соҳада фаол қўлланиладиган туризм соҳасига оид терминлар тизимини илмий жиҳатдан янада атрофлича тадқиқ қилиш заруратини юзага чиқарди. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасига оид терминология ривожланиш босқичида бўлиб, бу жараёнда халқаро мулоқотнинг бутун дунёда тан олинган воситаси саналган инглиз тили туризм терминологияси муҳим роль ўйнамоқда.

Саёҳат индустриясида таржима зарурати турли йўналишларни ўз ичига олади: веб-сайтлар, каталоглар, буклетлар, менюлар, флаер ёки саёҳат саноати билан

боғлиқ белгилар шулар жумласидандир. Шунинг учун таржимонларнинг иши аэропортлар, меҳмонхоналар, ресторанлар, музейлар, кўрсатмалар ёки туроператорлар учун энг яхши хизмат кўрсатиш ва туристлар эҳтиёжларини қондириш учун жуда муҳимдир.

Туризм саноатининг тараққиёти таржима ва маданиятлараро мулоқот билан узвий боғлиқ. Туризмнинг ўзига хос хусусияти – бир қатор саноат йўналишларинингнинг бирлашиши: меҳмонхона саноати, ресторан бизнеси, кредит ва молия ташкилотлари ҳамда кўнгилочар соҳалар шулар жумласидандир. Туризм сектори – жаҳон иқтисодийётининг учинчи энг фойдали сектори ҳисобланади.

Соҳавий терминология, уни чет тилларда ўқитиш, турли тиллардаги қиёсий татбиқи ҳамда мутахассис тилини ривожлантириш тенденцияларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Терминларни таржима қилиш техникаси, инглиз тилидани туризм соҳасига оид терминларининг семантик хусусиятлари, туризм соҳасига оид терминологияни тадқиқ қилиш, таснифлаш ҳамда таржима муаммолари, туристик лексикада синонимлар, омонимлар, антонимлар қаторини ўрганиш, турли тилларда туризм соҳасига оид терминологиянинг типологик таснифини қиёслаш, лингвистик таҳлил ва таржима муаммоларини ўқитиш, аффикс, префикслар ёрдамида туризм соҳасига оид терминларни яшаш ва улардан амалиётда фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Терминология йўналишига оид фаолият натижаларини кундан-кунга кенг қўллаш терминологик соҳанинг кейинги йўналишларини очади, янги мақсад ва вазифаларни белгилашга имкон беради[3, 79].

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш усуллари (калькалаш: тўлиқ калька ва ярим калька, эквивалент таржима, транслитерация, изоҳли таржима) ёрдамида икки, уч, тўрт, беш ва кўп компонентли туризм соҳасига оид терминларнинг синтактик-деривацион хусусиятлари аниқлаштиришни тақозо қилади.

Кўп компонентли туризм соҳасига оид терминларни тузилиши куйидаги тарзда берилишини кузатиш мумкин:

-бир компонентли терминлар: (*all-in (инклюзив-саёҳат)*); *санх (бекор қилиш)*; *fam trip (маништирув реклама сафари)*; *пах (ўўловчи)*;

-икки компонентли терминлар: *advance timetable*; *American Plan -*; *common room*;

air travel; *baggage car*; *baggage room* ва ҳ.к.

- уч компонентли термин: *health and fitness tour*.

- тўрт компонентли терминлар: *around-the-world journey*; *coast-to-coast flight*; *round- the-world trip*.

Замонавий тилшунослик тилни тизим сифатида талқин ва тадқиқ қилади. Тилни тизимлилиги – тил ва унинг бирликларини ўрганувчи асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Тилни идрок этишда унинг бирликлари, даражаси ва тизимининг мураккаблиги, шунингдек, унинг кўп қирралиги, мувофиқлиги, вари-

ативлигини кўрсатади. Тилнинг барча аспектларини дискурс ифода этади.

УСУЛЛАР

Дискурс – бу билим ва хатти-ҳаракат маданий моделларининг узатишдаги асосий воситаларидан бири. Дискурс (француз. discour – нутқ) – кенг маънода матн тушуниш учун зарур бўлган тил амалиёти ва экстралингвистик омиллар (хулқ, идрок қилиш учун шакллар)ни мураккаб бирлик сифатида коммуникация иштирокчиларини, уларнинг тил қурилмаларини мақсадлардан келиб чиқиб, хабарларни қайта ишлашни англатади. Дискурс анъанавий тарзда алоҳида субъектни ёзма ёки нутқий ахборотини тартибга келтиришни назарда тутати [4].

Замонавий тадқиқотчилар дискурсга мураккаб ҳодиса сифатида қарашади. Баъзи тилларда дискурс тушунчасини амалга киритилмаганлиги сабабли, тил амалиёти сифатида қаралади. Дискурс тушунчасини кенг қамровли тадқиқи ҳозирда унинг оғзаки ва ёзма нутқдаги хусусиятини кенгайгани ва матн қурилиши сифатида қаралаётганини кўрсатмоқда.

Лисоний дискурс – бу тилнинг барқарор фонетик, фонологик компонентларини ўзлаштириш усулидир. Бунда лисоний лаёқат дискурснинг асосий мезони бўлиб қолади. Дискурсни тавсифлашда ижтимоий меъёр ва тушунчалари муҳим аҳамият касб этади. Вербал мулоқот тил белгиларидан онгли ва мақсадли равишда фойдаланиш, ишлатилган тил белгиларининг умумий маъноси бор бўлгандагина, конвенционал асосда ундан фойдаланилгандагина самарали бўлиши мумкин.

Туристтик дискурс бир қанча жанрлардан иборат:

- Турагентнинг мижоз билан суҳбати;
- официантнинг мижоз билан суҳбати;
- меҳмонхона ходимининг мижоз билан суҳбати;
- ахборот маркази ходимининг сайёҳатчи билан суҳбати
- Экскурсия ва ҳ.к.

Олимларнинг фикрича, дискурс нафақат оддий матн ёки диалогик структура сифатида, балки турли вазибаларни бажарувчи ўта мураккаб ҳодиса (ритмик, семантик, эмоционал-баҳолаш ва б.) сифатида қаралади [5; 6].

Туризм соҳасига оид матнлар ўз таркибига сайёҳликга оид тушунчаларни олади ва уларни мазмунини талқин қилади. Улар асосан реклама шаклида бўлишини, шунингдек, маълум бир ҳудуд ёки жой ҳақидаги маълумотларни ёрилтади, ахборий прецедентларни яратади ва ижтимоий маданий борликда намоён бўлишини таъминлайди. «Туризм нафақат ҳудудларни ўрганиш балки, унинг яралиш ва ўзгариш жараёнини акс эттирувчи маданий тизимдир» [7, б. 281, 282].

Функционал вазибасидан қатъий назар туризм соҳасига оид матнларда алоҳида тушунчалар қўлланиладика, бу тушунчалар бир қанча маъноларни билдиради. Матн билан танишаётганда қуйдаги ҳолатларга асосий эътиборни қаратиш лозим:

Малакат менталитети, урф-одатларининг ўзига хослиги шунингдек, миллий таомлар борасидаги фикрлар. Their people are so friendly and their hospitality is undisputable.

Жой номларига алоҳида эътибор қаратиш. Cape of Good Hope, New South Wales.

Саёҳат йўналиши (маршрут) аниқ ва ҳақиқий белгилар асосида таржима қилиниши. From the parking lot, return to the N2 and turn left to return to Sedgfield.

Туризм соҳасига оид матнлар расмий ва илмий услубда намоён бўлиши кузатилади. Расмий услуб хизмат мулоқотида, ишбилармонлар тилида қўлланилади. Матннинг яратилиши ва унинг қўлланилиши, албатта, бирор-бир мақсадга қаратилган бўлади.

НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Бугунги кунда туристик терминология тизими туризм соҳасига оид тизимлар лингвистикаси йўналишини вужудга келтиради. Мазкур тушунчаларнинг барча соҳаларга кириб келиши терминология олдига инсоният эҳтиёжлари учун изоҳли ва таржима луғатларини яратишни тақозо қилади. Бундай луғатларда таржима орқали сўз ясалиши ва қиёсий таржима орқали туризм соҳасига оид терминологик бирликларининг турли тизимли тиллардаги ўзига хос лингвистик хусусиятлари акс эттирилади.

Сўзларнинг бир тилдан бошқа тилга кириши ва сингиши, шунчаки оддий жараён эмас, балки мураккаб лингвистик ва ижтимоий-тарихий шароитлар билан боғлиқ қонуниятдир. Тилдан тилга сўз ўзлашиши учун аввало, реал шароит лозим. Бундай шароит тилларнинг ўзаро ҳамкорлиги, яъни тиллар орасидаги алоқалардир [8; 93-б.]. Туризм соҳасига оид терминлар ёки матнларни ўзбек тилида ифодалашда қуйидаги таржима усулларидадан фойдаланилган:

калькалаш: тўлиқ калька ва ярим калька;

эквивалент таржима;

транслитерация;

изоҳли таржима.

Калькалаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унда асосан 3 та ҳодиса кузатилади:

А) ўзга тил иштироки;

В) ўз элемент иштироки;

С) ўзга тил элементи иштироки.

Биринчи ҳодисанинг моҳияти калькаланувчи материалнинг ўз тил эмас, ўзга тилники эканлигидир. Иккинчи ҳодиса ўзга материалнинг ўз қатлами имконияти асосида калькалашдир. Учинчи ҳодиса ўзга материалнинг ўзга тил сўзлари билан берилишидир [8; 94-95-б.] .

Калькалаш усулида туризм соҳасига оид терминларнинг таржимаси

Тўлиқ калькалаш	Ярим калькалаш
ўзлашма терминнинг маъносигина сақланиб қолади, инглизча товуш жиҳати бутунлай йўқолади	терминлар таркиби ўзлашма ва ўз материалдан иборат бўлади
Housekeeper (англ.) - заведующий гостиничным хозяйством	programme of excursions (англ.) - экскурсионная программа

Транслитерация йўли билан таржима қилиш – таржима жараёнида терминнинг семантикаси, структураси ва шакли ҳам ўзлаштирилади. Масалан: *camping* – кемпинг, *gatel* – ротел.

Инглиз тилида "area" сўзи қуйдаги маъноларга эга: 1) a part of a country, town; 2) a part of a house office, garden; 3) a particular subject, range of activities - и в сочетании "catchment area" выступает в новом значении "an area from which the majority of users of an attraction, facility or service are drawn": If your airport is a destination for VFR, include data on the numbers of people, catchment area, where they are coming from or going to.

Эквивалентли таржимада таржиманинг мувофиқ ёки мос маъноларини ўгирилади. Масалан: *cancellation fee*, *affinity group*.

Бугунги кунда туризм соҳасига оид терминологик аппаратида аббревация ҳодисаси ривожланиш тенденциясига эга. Турли муаллифларнинг таснифларини ўрганиш асосида биз туризм соҳасида қўлланиладиган туризм соҳасига оид қисқартмаларни қуйидагича таснифлаймиз.

Қисқартмалар таснифи:

Инициал қисқартмалар;

Қисқартириш (кесиш);

Тортишлар;

Аралаш;

Инициал рақамли.

Туризм соҳасига оид қўлланиладиган аббревиатуралар:

AC - кондиционер

AD&C – телефон суҳбатининг давомийлиги бўйича харажатлар

AIT – халқаро туристик альянс

ARR - келиш

CAB – Давлат ҳаво навигацияси кенгаши.

CIT - чартер инклюзив-тури.

DEP - кетиш

F - Фаренгейта шкаласи

RAM – таништирув тури

FIA - халқаро автомобил федерацияси

FIT – мустақил хорижий саёҳат

FIT - тур, парвоз

H&C – иссик ва совук

INCL - таркибида, инклюзив-тур

IRC - халқаро трансфер

IT - инклюзив-тур

ITEB - Берлин халқаро туристик айланмаси

ITX Fares – экскурсиялар нархлари.

M – овқатланиш учун белгиланган нархлар

V - вольт

Туризм соҳасига оид тизимни мос келмаслиги натижасида муқобилсиз

терминлар, яъни муқобилсиз термин бирлигига ўзга давлат туризм соҳасига оид дискурсида мавжуд бўлмаган реалаяларни киритиш мумкин.

Туризмга оид матнларда қўлланилган атамаларни таҳлил қилиб, уларни куйидаги терминлар гуруҳларига ажратдик.

types of tours and tourism – туризм ва саёҳат турлари:

agro tourism / agro-tour – аграр (қишлоқ хўжалиги туризми) туризм/
агросаёҳат;

incentive tour – рағбатлантирувчи саёҳат;

rural tourism – қишлоқ саёҳати;

space tourism – фазо(космик) туризми;

extreme tours – экстремал туризм;

sustainable tourism – барқарор туризм;

independent travel – мустақил саёҳат;

self-guided tour – ўз йўлбошчилигидаги саёҳат;

package tour – саёҳат тўплами;

culinary tourism – ошхона туризми.

Tour Industry professionals – туризм соҳаси мутахассислари:

Guide – йўриқнома;

event organizer – тадбир ташкилотчиси;

chef – ошпаз;

travel agent – саёҳат агенти;

kitchen assistant – ошхона ёрдамчиси;

airport baggage handler – аэропорт юк ташувчиси;

tourist information centre assistant – сайёҳлик ахборот маркази ёрдамчиси;

delivery assistant – етказиб бериш бўйича ёрдамчи;

sports therapist – спорт мутахассиси;

resort representative – курорт вакили;

air traffic controller – ҳаво ҳаракати назоратчиси.

Excursion – экскурсия (саёҳат қилиш):

Itinerary – йўналиш;

Overnight – кун давомида;

local venue – маҳаллий маскан(худуд);

sightseeing – диққатга сазовор жойларни томоша қилиш;

city guide – йўлбошловчи;

departure point – чиқиш нуқтаси;

meeting point – учрашув нуқтаси;

driver-guide – ҳайдовчилар учун қўлланма;

guided tour – кўрсатмали саёҳат;

shore excursion – қирғоқ бўйлаб сайр;

step-on guide – босқичма-босқичли йўриқнома.

Excursionist – экскурсия иштирокчиси;

day visitor – бир кунлик меҳмон;

heritage site – мерос объекти [9, 289-290].

Инглиз тили туризм терминологияси лингвистик нуқтаи назардан тил лексикасининг бир қисмини ташкил қилиб, мазмуний ва структур хусусиятлари билан ажралиб туради. Фикримиз тасдиғи сифатида сўнгги йилларда халқаро туризмда қўлланилиб келаётган туризм соҳасига оид терминларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Масалан:

BACK OF THE HOUSE — уйнинг орқа томонида жойлашган хизмат кўрсатиш хизматлари; сервис хизматлари.

BED OCCUPANCY — Ётоқлар сонинг савдога қўйилган оқилона нисбати (ўртача ҳисобда).

BLANKET RESERVATION — Гуруҳлар учун аниқ хоналар сонини режалаштириш.

BRUNCH — Нонуштадан кейин лекин тушлиқдан олдиниги овқатланиш.

CABANA — Пляждаги (ёки бассейн ёнидаги) асосий бинолардан ажратилган бунгала кўринишидаги хона. COMPLIMENTARY TICKET — Бесплатный проезд.

COMMERCIALY IMPORTANT PERSONS (аҳамиятли тижоратчи шахс) — Бошқа йўловчиларга нисбатан имтиёз яратиб берувчи махсус ҳужжатни сотиб олган шахс.

DELUXE — Мехмонхонанинг хашамдор тури, люкс хона (шахсий ванна ва тўлиқ сервис хизмати).

DUTY-FREE GOODS — Божхона солиғига тортилмайдиган товарлар (моллар).

ENDORSEMENT — Ваколат, бошқа самолиётга чиптани алмаштириш ёки қайтадан рўйхатдан ўтишга руҳсат беручи ваколат.

FULL HOUSE (Тўлган уй) — мехмонхона хоналарининг 100% эгалланганлиги.

FREE PORT — Туристлар бож тўловларини тўламадан мол сотиб олишлари мумкин бўлган порт.

FRONT DESK (фронтдеск) — Хизмат кўрсатиш столи, мехмонхона иш бошқарувчисининг мехмонларни рўйхатдан ўтказиш столи.

GRAND MASTER — Барча хоналарни очишга мўлжалланган махсус калит.

GUEST HISTORY (CARD) — Мехмоннинг тўлиқ иш режасини, шу жумладан келган куни, эгаллаган хонаси, амалга оширган тўловлари, олган кредитлари акс этиручи қайднома.

HOUSE KEEPER'S REPORT — хона холати ҳақидаги аниқ маълумотлар акс этган ёзувлар.

HOTEL GARNI — Ресторансиз бўлим (хаттоки нонуштасиз ҳам).

INCLUSIVE TERMS — Турар жой ва овқатланиш тарифлари (уч марталик).

JUNIOR SUITE — кун давомида мехмонхона вазифасини бажарувчи катта хона.

LUGGAGE PASS — Туристга мехмонхонадан юklarини олиб чиқиб кетишга руҳсат берувчи карта.

MASTER KEY — Мехмонхонанинг барча хоналари ва этажларни очишга мўлжалланган махсус ягона калит.

MYSTERY TOUR — тоғлардаги бошпана (тоғ туризмида қўлланилади).

MOST IMPORTANT PERSON — Жудда муҳим шахс.

NO—SHOW EMPLOYEES — тартиб асосида ишлайдиган хизматчилар.

OUT OF ORDER — ускуналарнинг тўғри ишламаганлиги боис яшашга тай-
ёр бўлмаган хона .

PARTY TICKET — гуруҳ чиптаси.

RACK RATE — чегирмасиз тўлиқ хона нархи.

REFERRAL — бронлаш тизими.

RESIDENTAL HOTEL — Мехмонхона, мехмонлар томонидан узоқ муддат-
га олинган хона.

REST HOUSE — кичик мехмонхона.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, туризм терминологиясини турли тилларга таржи-
ма қилиш масалаларига қизиқиш туризм соҳасига оид терминларнинг доимий
равишда такомиллашиб боришига хизмат қилмоқда. Туризм соҳасига оид тер-
минларнинг ўзбек тилида манба тил инглиз тили асосан таржима вариантлари
орқали шаклланиши сабабли уларнинг лингвистик хусусиятлари термин-сўзлар
сифатида ўрганилишини тақозо қилади.

Туризм соҳасига оид терминларини таржима қилиш муаммолари-
ни ўрганишнинг долзарблиги, асосан, халқаро алоқаларнинг ривожланиши,
маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шу-
нингдек, ушбу соҳада алоқанинг ошиб бориши билан боғлиқ.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning BMT Jahon sayyohlik tashkiloti Ijroiya kengashi 99-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi. [Elektron resurs].- <http://uza.uz/uz/tourism/asi-prezidenti-islom-karimovning-bmt-ja>.
2. Dann G.M.S., The Language of Tourism – A Sociolinguistic Perspective, Oxford: CAB International, 1996, 294 p.
3. Denisova G., Drozd, A., Romanovich R. Tourism Terminology in Social, Linguistic and Translation Contexts (Mezhkulturnaia kommunikatsiia i obucheniie inostrannymiazykam), Oxford: CAB International, 2011, 356 p.
4. Filosofskiy slovar. Elektronnyy resurs: <http://www.glossword.info/index.php/term/23-filosofskij-slovar-457-diskursivnost-xhtml>. 18.03.2019.
5. Mityagina V.A. Kommunikativnye deystviya v turisticheskom diskurse // Inostr. yaz. v vyssh. shk. – 2009. – № 4. –С.88-97.
6. Pogodaeva S.A. Yazykovye sredstva argumentatsii vo fransuzskom turisticheskom diskurse: avtoref. dis. ... kand. filol. nauk. – Irkutsk, 2008. – 20 с.
7. Isakova ye. M. Diskurs turizma i yego sostavlyayushie // Inostrannyye yazyki: lingvisticheskie i metodicheskie aspekty. 2016. № 36. – S. 278–284.
8. Kadirbekova D.X. Ingliz va o‘zbek tillarida axborot texnologiyalari terminologiyasining lingvistik xususiyatlari. Monografiya. – Toshkent: fan va texnologiya, –2016. – 128 б.
9. Xolboboeva A.Sh. Xalqaro turizmga oid terminlarni o‘zbek tiliga tarjima qilish muammolari. journal.fledu.uz. №2/2019. - Б. 286-292.